

ДУРДОНА РАҲИМЛИЙНИНГ “ФОРС ТИЛИДАГИ ТУРКИЙ СЎЗЛАР” НОМЛИ КИТОБИ ҲАҚИДА

БЕКЗОД ДЖАФАРОВ

Ўқитувчи, Тошкент ислом университети

Форс тилининг лексик таркибини кузатсак бир қанча туркий элементларни учратишимиз мумкин. Бу бевосита форсий ва туркий забон халқларнинг турли жабҳалардаги узоқ ўтмишга эга алоқалари мевасидир. Ҳозирги кунга қадар тилшунослар томонидан бу мавзу бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан озарбайжонлик тилшунос олим Дурдона Раҳимлийнинг “Форс тилидаги туркий сўзлар” номли китоби ана шулар жумласидан. Бу китоб 2002-йилда доктор Юнус Ваҳдатий томонидан форс тилига таржима қилиниб, Табризда *واژه های ترکی در زبان فارسی* номи билан нашр этилди.

Ушбу китоб муқаддима ва икки бўлимдан иборат. Муаллиф муқаддима қисмида мавзунинг ёритишдан мақсади, унинг сабаблари, аҳамияти, долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси ҳақида фикр юритади. У сўзини озарбайжонлик олим Ҳ. Заринезода биринчи бўлиб бу мавзуга қўл урган, деган фикр билан бошлайди. Шунингдек, у Заринезоданинг иши¹ фақатгина Сафавийлар давридаги туркий ўзлашмалар устидан тадқиқ этилганлиги, ҳозирги замон форс тилида эса бундай сўзлар кўпроқ эканлигини билдиради. У мазкур фикрини Заринезоданинг қуйидаги гапига мурожаат қилиб тасдиқлашга ҳаракат қилади: “У (Заринезода) ёзади: Биз фақат Сафавийлар давридаги форс тилидаги туркий ўзлашмаларни тадқиқ этдик. Ҳозирда бундай сўзларнинг миқдори у даврга нисбатан кўпроқдир”². Д. Раҳимлий “ҳозирги форс тили”

деганда кўпроқ оғзаки тилни назарда тутди. У оғзаки тилни Техронда шаклланганлиги, кейинчалик бутун Эронда тарқалганлигини ва ҳозирда адабий тил билан фарқланишини таъкидлайди. Айнан мана шу масала уни бу ишга қўл уришига сабаб бўлганини айтиб ўтади.

У форсий ва туркий забон халқларининг алоқалари ҳақида фикр юритади экан, бу алоқалар узоқ ўтмишга эга эканлигини, географик, тарихий, сиёсий, иқтисодий, маданий, адабий ва диний шароитлар бу икки забон халқларини ёнма-ён қилиб қўйганлигини ва бу алоқаларнинг бошланиши Доро ҳукмронлигига бориб тақалалишини ёзади. Сосонийлар даврида ҳам туркий ва эроний халқларнинг ўзаро алоқалари бўлган, деб таъкидлайди. У ўз фикрини М. Қошғарий ва Абу Райҳон Беруний, Ҳ. Заринезоданинг маълумотларига асосланиб изоҳлашга ҳаракат қилади.

Д. Раҳимлий туркий ўзлашмаларнинг форс тилига кириб келишида Эрондаги туркийларнинг роли ҳам катта деб ҳисоблайди ва шундай ёзади: “Агар мазкур омилларга тахминан 30 миллионлик Эронда истиқомат қиладиган туркийларнинг сонини ҳам қўшсак, икки форсий ва туркий забон халқларининг ўртасидаги алоқалар илдизлари жуда қадимийлиги ошкор бўлади”³. Уларнинг Эронга келиб қолиши борасида Озарбайжонлик тилшунос олим Т. Ҳожиёвнинг фикрларига таянади. Хуллас, Д. Раҳимлий ўз тадқиқотини бошланишида юритган фикрлари асосан бу мавзуга оид ва унга алоқадор бўлган манбаларга ва олимларнинг фикрларига таянганга гувоҳ бўламиз.

¹ Заринезад Г. Азербайджанские слова в персидском языке (в период Сефевидов): Дисс...канд. филол. наук. – Баку, 1955.

² نشر اختر: تبریز. – هلال وحدتی یونوس مترجم. فارسی در دانه رحیمی. واژه های ترکی در زبان ۲. ص. ۱۳۸۱

³ Кўрсатилган асар – Б. 5.

Бу илмий иш бошқа тадқиқотлардан шуни-
си билан ажралиб турадики, унда асосан оғзаки
тил ва турли шеваларда учрайдиган туркий ўз-
лашмалар ўрганилган. Муаллиф жами 200 дан
ортиқ туркий лексик бирликларини ўрганган ва
уларнинг баъзилари адабий тилда мавжуд эмас.
Бу борада у шундай ёзади: “Биз оғзаки форс
тилида туркий тиллардан кирган баъзи сўзлар-
ни учратишимиз мумкинки, уларни ҳеч қачон
адабий форс тилида учратиб бўлмайди ва ал-
батта булар орасида саналган сўзлар бошқа
тиллардан кам эмас, шу жумладан, кийим ва
қўлда тикилган этакли аёллар либосиъ маъно-
сидаги *سکمه* *sokme*, қанд маъносидаги *سالمة*
sālme ва тепки маъносидаги *تپه* *tepe*, шунингдек,
фитна, хийла маъносидаги *النح* *ālenj* ва шу каби
сўзларни адабий тилда учратиб бўлмайди”¹.
Д. Раҳимлий юқорида берилган ва бошқа шу
каби бир қанча сўзлар феъллардан ясал-
ганлигини таъкидлайди.

сөкмек → [*sokme*] *سکمه*

салмақ → [*sālme*] *سالمة*

тепмек → [*tepe*] *تپه*

Биринчи бўлимда туркий содда сўзлар таҳ-
лил этилса, иккинчи бўлимда ясама ўзлашма-
лар ёритилган. Биринчи бўлимда туркий тил
грамматикаси нуқтаи назаридан содда сўз
шаклидаги ўзлашмалар таҳлил этилганлиги ва
маънолари ёритилганлигини гувоҳи бўламиз.
Шунингдек, у ҳозирги форс тилидаги туркий
ўзлашмаларни мавзулар бўйича классификат-
сия қилиб чиққан. У туркий ўзлашмаларни
жами 10 та лексик-семантик гуруҳга ажратади.

Тана аъзоларини англатувчи сўзлар. У
бу мавзуга оид сўзлар жуда қадим замонларда
форс тилига кирган деб ҳисоблайди. Чунки,
унинг фикрича, ҳар қандай тилдаги тана
аъзоларини англатувчи сўзлар ўша тилнинг энг
қадимий лексик бирликларидан экан. Шунинг
учун бу мавзудаги сўзлар анча аввалроқ форс
тилига ўзлашган деб таъкидлайди. У бу мавзуга
қуйидаги сўзларни киритади: *قاش* *qāš* “қошъ,
بغور *baghur* “ъжигарлъ.

Хашорат ва уй хайвонлар номи. Муаллиф
бу мавзуга оид олтига туркий сўзларни мисол

тариқасида беради, уларнинг маъноси ва
ясаилишини ёритиб беради. Масалан: “*چپیش*
çeriyüş улоқ, ечки боласи. Бир қанча форс
тили шеваларида *چبش* *çoboš*, *چپش* *çopeš* каби
фонетик шаклларда ва турли маъноларда уч-
райдиган бу сўз чиндан ҳам туркий *çepeš* сўзи-
дан келиб чиққан”². У бу сўзни “классик тур-
кий матнларда учрайдиган “эпишләнмәк”
феълидан келиб чиққан” деб ёзади. У шунинг-
дек, *تکه* *take* ечки, *هچی* *heçi* ечки, олти ойлик
улоқча, *ارو* *egrov* ари каби сўзларни ҳам мисол
қилиб беради ва уларнинг қайси лаҳжаларга
оид эканлигини айтиб ўтади.

Озиқ-овқат маъносидаги сўзлар. Д.
Раҳимлий бу мавзуга оид бир қатор сўзларни
мисол тариқасида беради. *قیماق* *yeutāy* қай-
моқ”, *اغیز* *āyız* оғиз, оғизак (янги туққан сигир
сутидан тайёрланадиган егулик), *یخنی* *yaхni*
яхна гўштъ, шўрва, *پنیر* *penir* пишлок.

Маиший мавзуга оид сўзлар. Туркий ўз-
лашмаларга оид тадқиқотларни кузатсак, ай-
ниқса мавзулар бўйича таҳлил этилганда улар-
нинг аксариятида маиший ҳаётга оид сўзларни
кўп эканлиги таъкидланади. У ҳам маиший
ҳаётга оид сўзларни алоҳида мавзу гуруҳи си-
фатида ўрганган. Бу мавзуга *اجاق* *ojāy* ўчоқ,
печъ, *قنداق* *qondāy* йўргак, қўндоқ, *داش* *dāš* тош (
нон пишириладиган тош), *قییش* *yeuiš* қайиш ка-
би сўзлар мисол тариқасида берилади. У *قنداق*
сўзи ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади:
“Бу сўз туркий тилда 2 та маънода ишлатилади:
- йўргак (бола ётоғи)
- милтиқ дастаси

Форс тилида бу сўз ҳам *قنداق* шаклида, ҳам
мана шу икки маънода ишлатилади. Шуни ай-
тиш лозимки, сўз тузилиши ва “доқ” кўшим-
часи бу сўзни ясама сўз эканлигини кўрсатиб
турибди. Қадимги манбаларда “қун” сўзи оғуш,
кўкрак, елка каби маъноларда ишлатилган. Ҳар
ҳолда *قنداق* сўзи “қон”, “қун” сўзи ва “доқ”
суффиксининг кўшилишидан ҳосил бўлган”.

Сифат ва белгини англатувчи сўзлар. У
бу гуруҳга кўпроқ сифат ва равиш сўз туркум-
ларига оид сўзларни киритади. *یالغوز* *yālyuz* ёл-
ғиз, *دنچ* *denj* тинч, *جلفوز* *jehyuz* аҳмоқ, довдир,

¹ نشر اختر: تبریز. - هلال وحدتی یونوس مترجم. فارسی
در دانه رحیملی. و آراه های ترکی در زبان ۹. ص. ۱۳۸۱

² نشر اختر: تبریز. - هلال وحدتی یونوس مترجم. فارسی
در دانه رحیملی. و آراه های ترکی در زبان ۳۷. ص. ۱۳۸۱

کرپه *korpe* янги, قاق *qāq* курук, گل *gol* етилмаган, درو *darou* чукуръ.

Кидирув ва жойлашув маъносидаги сўзлар. Бу гуруҳга يخارى *yaḫārī* юкори, تېب *teb* паст, бурчак, тағ сўзларини киритади.

Ҳолат ва вазиятни англатувчи сўзлар. Бу гуруҳга қуйидаги сўзлар мисол тариқасида берилди: آج *āj* пулсиз, оч, ساغ *sāḡ* соғ-саломат, тирик, соғлом, دلو *dalou* девона, توتور *tur* девона, چاق *čāq* соғлом, яхши, семиз.

Жой ва маконни англатувчи сўзлар. Муаллиф бу гуруҳга фақат битта يورت *yurt* юрт сўзини мисол тариқасида беради ва уни қуйидагича изоҳлайди: يورت/يورد *yurt/yord* қабила, ўтов, уй, жой, макон, ватан, юрт. Форс адабий тилида ҳам, оғзаки тилида ҳам истёмолда бўлган бу сўзни форс ва турк лексикологлари туркий эканлигини қайд этишган. Бу сўз классик туркий матнларда уй, худуд, тупроқ, жой, макон, ватан, манзил каби маъноларда ишлатилган. Озарбайжон тилида ҳам бу сўз она юрт, она ватан, туғилган макон каби маъноларни билдиради¹.

Паррандалар номлари. Бу мавзуга قوش *qoş* қирғий, قوشخانه *qoşxāne* қушхона, كرغا *karḡā* қарға каби сўзлар мисол қилиб бериллади. У сўзи ҳақида шундай ёзади: “Бу сўз классик туркий матнларда кўп учратиладиган сўзлардандир, Маҳмуд Қошғарий ўзининг Девонида бу сўзни қўллаган – “Бир қарға билан киш келмас”. Бу жумла бизни бу сўзнинг негизи “қор” бўлиши мумкин деган фикрга келишимизга чорлайди”.

Бошқа сўзлар. Д. Раҳимлий сўнгги ўнинчи гуруҳни “Бошқа сўзлар” деб номлайди ва турли хил мавзуга оид сўзларни мазкур гуруҳга киргазади. آل *āl* қизил, قاش *qāş* қош, سىک *sik/sok*, бурундан оқадиган суюқлик, قاب *qāb* қоб, мешк, سۈگ *syg* аза, мотам.

Юқорида берилган лексик-семантик гуруҳларига эътибор берсак, мавзулар табиат, борлиқ ва инсон ҳаёти билан боғлиқлигини гувоҳи бўламыз.

Мазкур асарнинг иккинчи бўлимида туркий ўзлашмалар структур жихатдан таҳлил қи-

линган. У бу бўлимда туркий тилларнинг ўзида турли хил аффикслар ёрдамида ясалган форс тилидаги туркий сўзларни ўрганган. Уларни қуйидаги турларга тақсимлаб чиқади:

1) *-(e)* қўшимчаси билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар: باسمه *bāsme* нашр, матога расм тушириш, بويمه *boyme* шарф, دولمه *dolme* дўлма, قيمه *ḡime* кийма, ديشلمه *dişlame* калла қанд, سالمه *sālme* ширин чой.

2) *-(āq, -ak, -ār)* суффикслари билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Унинг фикрича форс тилидаги энг кўп туркий сўзлар айнан мана шу шаклдаги сўзлар экан: “Форс тилидаги кўплаб туркий сўзлар мана шу суффикс билан ясалгани тасодиф эмас. Туркий тилдан форс тилига кирган мана шу шаклдаги сўзларнинг аксари феъл негизи ва шу каби суффикслардан ташкил топган”². У қуйидаги сўзларни мисол тариқасида келтиради. ديرک *dirak* тиргак, قاجاق *qācāq* контрабанда, سراق *sorāḡ* белги, нишон, اطرا *otrāḡ* тўхташ, дамолиш, يراغ *yarāḡ* қурол–яроғ, قلق *yeley* хулқ-атвор, “қилиқ”, قاشق *qāşoḡ* қошиқ

3) *-(u)* ва *-(āy)* суффикслари билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Муаллиф бунга قاتى *qātī* сўзини мисол қилиб беради. Шу ўринда мазкур сўз ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу лексема форс тилида якка ҳолда ишлатилмайди, одатда кўмакчи феъллар билан биргаликда қўшма феъллар ясайди, масалан: قاتى شدن *qātī šodan* аралашмок, قاتى کردن *qātī kardan* аралаштирмок. Шунингдек, бу сўз ҳозирги форс тилида پاتى *pātī* сўзи билан биргаликда قاتى پاتى *qātīnātī* ёки واتىقاتى шаклида келади ва бетартиб маъносини англатади.

4) *-(ur)* ва *-(āur)* суффикслари билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Бу турдаги сўзларга قىسر *qisr* қисир, قاطر *qāṭir* хачир, ياغور *yaḡur* тўла, семиз кабилар мисол тариқасида бериллади.

5) *-(ar)* ва *-(āar)* суффикслари билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Бу турдаги сўзларга چاپار *čāpār* чо-

¹ نشر اختر: تبریز. هلال وحدتی یونوس مترجم. فارسی دردانه رحیملی. واژه های ترکی در زبان ۵۳. ص. ۱۳۸۱

² نشر اختر: تبریز. هلال وحدتی یونوس مترجم. فارسی دردانه رحیملی. واژه های ترکی در زبان ۵۴. ص. ۱۳۸۱

пар, سالر *sālār* раҳбар, آچار *āčār* калит кабилар мисол тариқасида берилади.

6) چو ва چی (-*či* ва -*či*) суффикслари билан тугаган форс тилидаги туркий ўзлашмалар. Бу турдаги сўзларга қуйидагилар намуна сифатида берилган. قیچی *yeuči* қайчи, قامچی *qamči* камчи, ایلچی *ilči* елчи, قیاقچی *qāyāqči* қайиқчи, قاچاقچی *qāčāqči* контрабандачи, کشیکچی *kešikči* навбатчи.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Д. Раҳимлийнинг мазкур “Форс тилидаги туркий ўзлашмалар” асарида 200 дан ортиқ форс тилидаги туркий луғат бирликлари ўрганилган ва тадқиқотнинг ўзидан аввалги ва кейинги ушбу мавзу бўйича қилинган ишлардан фарқли томонлари бор:

Биринчидан: Д. Раҳимлийнинг мазкур илмий ишида асосан оғзаки форс тилидаги туркий лексик бирликлар ёритилган ва муаллиф буни кириш қисмида таъкидлаб ўтган. Агар Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги икки томлик “форсча-русча” икки тиллик луғатида берилган туркий сўзларга эътибор қаратсак, бир қанча оғзаки тилга оид туркий сўзлар борки, улар луғат муаллифлари томонидан “разговорные слова” (оғзаки нутққа оид сўзлар) деб берилган. Масалан: قراچی *qarāči* лўли, قسر *qeser* қисир, قلق *qeleq* хулқ-атвор, сифатъ, اله بله کردن мақтаниш¹.

Иккинчидан: Мазкур асарда маълум бир форс тили шеваларига оид туркий лексик бирликларга ҳам тўхталиб ўтилганки, уларнинг аксари манбаларда учрамайди. Масалан, چالمة чолма (касаллик тури), كۆژره *kožre* қўзи сўзлари Козерун ва Широқ лаҳжаларига, خچی *xeči* ечки, توپلی *toyli* қўзи сўзлари Биржанд лаҳжасига, درو чуқур, دلو девона сўзлари Каренқон лаҳжасига, جلغوز аҳмоқ Бехдинон лаҳжасига, ارو ари Луристон лаҳжасига, قل қўзи сўзи Оштиён лаҳжасига оид сўзлар эканлиги қайд этилган.

Учинчидан: Бу асарда берилган барча туркий ўзлашмаларнинг келиб чиқишини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Кўпгина форсий луғатларда, масалан, А.А. Дехходонинг “*Loyat-nāme-e Dehxodā*”, М. Моиннинг “*Farhang-e*

fārsi” ва Ҳ. Амиднинг “*Farhang-e fārsi Amid*” изоҳли луғатларида туркий сўзлар қаторида берилмаган سراغ *sorāy* сўзи аслида туркий эканлиги ва уни сўрамоқ феълидан ясалганлигини таъкидлайди².

Мазкур туркий ўзлашмаларга бағишланган асарни кузатар эканмиз, баъзи бир баҳсли жойлари ҳам йўқ эмас. Масалан, у ҳозирги форс тилида боғ, парк маъносини англатувчи باغ *bāy* сўзи билан боғламъ маъносидаги باغ *bāy* сўзи аслида битта эканлигини, улар боғламоқ феълидан келиб чиққанлигини таъкидлайди. Аммо мазкур иккала باغ омоним сўзлар ва луғатларда ҳам алоҳида-алоҳида берилади. Мисол учун, А.А. Дехходо луғатида бу иккала сўз алоҳида берилган, бири туркий тиллардан кирган باغ боғламъ маъносида, иккинчиси эса باغ боғ, гулистон маъносида эканлигини ва бу сўз сўғд ва паҳлавий тилларига бориб тақалиши қайд этилган³. “Этимологический словарь иранских языков”да эса боғ маъносидаги باغ сўзини умуморий тиллардаги бҳага сўзига бориб тақалишини, сўғдча моний ва христиан матнларда эса βγ [bāy] шаклида учраши таъкидлаб ўтилган⁴. Аксинча туркий тилларнинг ўзига бу сўз форс тилидан ўзлашганлиги туркий тилларнинг баъзи бир изоҳли луғатларида қайд этилган. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”⁵ ва “Турк тилининг изоҳли луғати”⁶. Мазкур далилларга суяниб шуни айтишимиз мумкинки, боғ, парк маъносидаги باغ сўзи туркий сўзлардан эмас.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур китобда форс тили лексикологиясининг кичик бир мавзулардан бўлмиш туркий ўзлашмалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бу эса мана шу мавзу бўйича олиб бориладиган илмий ишларда қўшимча манба бўла олади.

² نشر اختر: تبریز. هالان وحدتی یونوس مترجم. فارسی در دانه رحیملی. وازاه های ترکی در زبان ۸۱ ص. ۱۳۸۱ لغتنامه دهخدا. دهخدا علی اکبر ۳۱۹ ص. ۱۳۱۹ تهران

⁴ Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 2003. Т.2. – С. 52.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. Т.1. – Б. 349–350.

⁶ Türkçe sözlük. Sekizinci baskı, – Ankara, 1998. – S. 433.

¹ Bu haqida qarang: Персидско-русский словарь. В 2-х томах / под ред. Ю.А. Рубинчик. – М.: Издательская “Русский язык”, 1983.